



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ДАВРИ

ҚР Президенти Германия Шарқий иқтисодий кўмитаси бошқаруви раисаси Катрина Клаас-Мюльхойзерни қабул қилди.

Учрашувда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси бошқаруви раисаси, CLASS Group компанияси қузатув кенгаши раисаси Катрина Клаас-Мюльхойзер икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, Германия Қозоғистоннинг Европа Иттифоқидаги стратегик ҳамкорларидан бири. Учрашув чоғида Қозоғистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик мисли кўрилмаган суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Фаол сиёсий, гуманитар ва ишбилармонлик мулоқотлари давом этаётгани айтилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. Германия тadbиркорлари Қозоғистондаги фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдор.

Президент Германиядан Қозоғистонга киритилган бевосита сармоялар ҳажми ўтган йили 64 фоизга ошиб, 770 миллион долларга етганини таъкидлади. Бу – рекорд кўрсаткич.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Қ. Тўқаев Минтақавий қишлоқ хўжалиги марказини ташкил этиш таклифи билан чиққанини таъкидлади. Мазкур марказ мамлакат қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш, инновациявий технологияларни жорий этиш ва уларни тижоратлаштиришга хизмат қилади.

Давлат раҳбари CLASS заводининг Қозоғистон қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди.

Катрина Клаас-Мюльхойзернинг Қозоғистонга ташрифи яқунлари Қозоғистон – Германия муносабатларининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан далолат-дир.

Akorda.kz.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ СУИҚАСДНИ ҚОРАЛАДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Словакия Бош вазири Роберт Фицога қилинган суиқасд муносабати билан ушбу террорчилик ҳаракатини кескин қоралашини маълум қилди.

Ақрданинг матбуот хизмати хабарига кўра, Қозоғистон ва Словакияни кўп йиллик дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Бу эзгу ишда Бош вазир Роберт Фицонинг ўрни бекиёс.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Роберт Фицога тезроқ соғайиб кетишини тилади.

Р. Фицо Словакиянинг Гандлов шаҳрида ўтган Ҳукумат йиғилишидан сўнг омма олдига чиққанида суиқасд қилинган.

Маҳаллий ОАВ воқеа жойидан олинган видеони тарқатди. Унга тўрт марта ўқ узилган ва Р. Фицо ерга йиқилиб тушгани кўрсатилган. Хавфсизлик ходимлари Бош вазирни касалхонага етказди.

Дастлабки маълумотларга кўра, у иккита жароҳат олган.

СЕНАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати раиси ўринбосари Ольга Перепечина “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга минтақавий ёндашув” мавзусидаги Осие хотин-қизлари анжуманида иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Пекин Ҳаракатлар платформасини амалга ошириш, шунингдек, ҳозирги жаҳон иқтисодиётида хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан ҚР Сенати раиси ўринбосари Ольга Перепечина Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг давлат сиёсатидаги асосий устувор йўналишларидан бири гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги иштироки даражасини ошириш эканини таъкидлади.

Ольга Перепечина Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раисаси Танзила Норбоева билан учрашди. Томонлар парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, саноат кооперацияси, транспорт соҳасида алоқаларни мустаҳкамлаш, инфратузилмавий ва савдо тўсиқларини бартараф этиш масалаларини муҳокама қилдилар.

24.kz.

Обуна–2024

Қадри газетхон! “Жанубий Қозоғистон” рўномага обуна ағжида.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган ошларни газетга обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ХЖ орқали –
Туркестон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



БҮЮК ДАШТ ВОРИСЛАРИ	ГУЛЗОРЛАРИ ЯШНАГАН ИЛМ МАСКАНИ	САНЪАТИМИЗ ЭЪЗОСИ ЛАЗГИ!
4-бет	5-бет	7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
2024 йил 18 май, шанба, №53 (3399).

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК – ОЛИЙ МАҚСАД

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев делегациялар раҳбарларини қутлар экан, Марказий Осие давлатлари хавфсизлик кенгашлари котибларининг илк ййгилиши ташқи ва ички таҳдидлар ҳамда уларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун самарали мулоқот майдонига айланишини таъкидлади.

– Минтақавий ҳамкорлик барча соҳаларда фаол ривожланмоқда. Давлатлараро сиёсий мулоқот ҳам сифат жиҳатидан янги босқичда тараққий этмоқда. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда. Сўнгги беш йил ичида минтақалараро товар айирбошлаш ҳажми 80 фоиздан ошиб, 10 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатларнинг экспорт-импорт салоҳиятини юксалтириш, махсулот турларини кенгайтириш вазифалари ҳал этилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди, кўшма корхоналар сони кўпаймоқда. Йирик минтақавий лойиҳалар нафақат ўзаро сезиларли фойда келтиради, балки Марказий Осие иқтисодиётининг халқаро рақобатбардошлигини ҳам оширади. Транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш минтақани жадал тараққий этиришининг янги таянч нуқтасига айланмоқда. Маданий-гуманитар алоқалар ҳам фаоллашгани Марказий Осие давлатларининг янада яқинлашишига хизмат қилмоқда, – деди Қ. Тўқаев.

Президент бу жараёнлар минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги самарали мулоқотлар орқали қўллаб-қувватлашиши керак, деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, аксарият замонавий даъват ва таҳдидлар трансгеографик хусусиятга эга, шунинг учун уларга



қарши курашиш умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни талаб қилади.

– Гап, биринчи навбатда, халқаро экстремизм ва терроризмга, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига, қурол-яроғ савдосига қарши кураш ҳақида бормоқда. Бу борада Афғонистон умумий эътиборимиз марказида бўлиши керак. Бу мамлакатда мураккаб кўп йўналишли жараёнлар содир бўлмоқда. Тан олиш кераки, бу мамлакатда иқтисодий вазиятнинг барқарорлашуви ва тикланишининг маълум белгилари мавжуд. Бошқа томондан, халқаро террорчилик ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ юқори хавфлар сақланиб қолмоқда, буни Москва вилоятидаги қонли теракт ҳам тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча,

ҳозирги босқичдаги стратегик вазифалардан бири – Афғонистон минтақавий алоқаларга фаол жалб этишдир. Ва бу ерда кўп жиҳатлар мамлакатларимизнинг келишилган нуқтаи назарига боғлиқ. Биз мамлакатимизда БМТнинг Марказий Осие ва Афғонистон учун Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича минтақавий марказини яратишни долзарб масала деб биламиз, – деди Қ. Тўқаев.

Қасим-Жўмарт Тўқаев дўстлик, яхши кўшничлик ва иттифоқчилик руҳидаги минтақавий ўзаро ҳамкорлик юксак даражада эканини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, унинг сўзларига кўра, ҳамкорлик фақат минтақа билан чегараланиб қолмайди.

Давлат раҳбари минтақа давлатларини бир-бирига қарама-

қарши қўйиш, уларни бўлиб ташлашга интилаётган ташқи кучларга биргаликда қаршилик кўрсатишга чақирди.

Қ. Тўқаев учрашув натижалари Марказий Осие давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Тадбирда Қозоғистон Хавфсизлик кенгаши котиби Гизат Нурдаулетов, Қирғизистон Хавфсизлик кенгаши котиби Марат Иманкулов, Тожикистон Хавфсизлик кенгаши котиби Насрулло Маҳмудзода, Ўзбекистон Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Маҳмудов ва Туркменистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси вакили Аннамираат Яғмиров иштирок этди.

Akorda.kz.

ҚОЗОҒИСТОНДА СОАТ МИНТАҚАСИ ЯНА ЎЗГАРАДИМИ?

Бу йил Қозоғистон ягона вақт минтақасига ўтди. Ўзгартиришга қарши бўлган қозоғистонликлар илгари қўлланилган вақт минтақасини қайтариш тўғрисида петиция билан чиқди. Мурожаат юзасидан ҚР Савдо ва интеграция вазирлиги ўринбосари Қайрат Тўребаев изоҳ берди.



– Петиция жорий йил 19 апрелда бошланган. Ҳозир 1000дан зиёд одам овоз берди ва биз изоҳларни диққат билан кузатиб борамиз. Низомга кўра, аввало аризонинг натижасини кутиб, кейин кўриб чиқамиз. Вақт минтақасининг ўзгариши ҳақида гапиришга ҳали эрта. Ҳозир вазирлиқнинг нуқтаи назарини айта олмайман. Чунки қарор бошқа давлат

органлари билан биргаликда қабул қилинган, – деди Қайрат Тўребаев Парламентда ўтган брифингда.

Унинг таъкидлашича, петиция бўйича овоз бериш натижалари маълум бўлгач, масала қайта кўриб чиқилади.

– Бу масалага петиция мuddати тугаганидан кейин (жорий йил декабрь ойида) қайтамитиз. Барча давлат органлари иштирокида муҳокама қиламиз. Агар 50 минг овоз тўпланган бўлса, бу масала Ҳукумат доирасида қайта кўриб чиқилади, – деди вазир ўринбосари.

Эслатиб ўтамиз, 1 мартдан бошлаб Қозоғистонда вақт бир соат орқага сурилди.

ХАЙР, МАКТАБИМ!

Қозоғистонда 11-синфни 186 мингдан зиёд ўқувчи тамомлайди. Бу ҳақда ҚР Маориф вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Жумадилдаева маълум қилди.

– 22 мингдан зиёд мактабга, ўрта таълим, техника ва касб-хунар таълими муассасалари жорий ўқув йилини яқунлашга ҳозирлик кўрмоқда. Жорий ўқув йилида 5 миллион нафардан зиёд бола ушбу даргоҳларда таълим-тарбия олди. Бу йил 11-синфни 186 мингдан зиёд ўқувчи тамомламоқда. Улар энди ўзларининг бўлажак касбларини танлайдилар, – деди вазир ўринбосари.



Унга кўра, Маориф вазирининг буйруғига биноан, мактабларда таълим жараёни 2024 йил 25 майда яқунланади. 24 май куни республиканинг барча мактабларида «Билим – Отанам!» мавзусида ягона синф соати ўтказилади. Шунингдек, 25 май куни мактабларда битирувчилар иштирокида «Мектебим, саған мың алғыс!» тантанали тадбири ўтказилади. Таълим муассасалари унинг шакли ва иштирокчилар таркибини ўзлари белгилай олади.

– Бошланғич синф ўқувчилари аъъанавий тарзда май ойининг сўнгги кунларидан бошлаб ёзги таътилга чиқади. 27 майдан бошлаб 5-11-синф ўқувчилари учун имтиҳонлар ўтказилади. Имтиҳонлардан кейин улар ҳам ёзги таътилга чиқишади. Ўқувчиларнинг дастурларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида бу йил илк бор 5-8, 10-синфларда қозоқ тили ва адабиёти фанларидан оралиқ назорат синовлари ўтказилади, – деди Наталья Жумадилдаева.

24.kz.



ДЕПУТАТЛАР МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Вилоятимизда сармоявий иқлимни яхшилаш мақсадида Саноат парки барпо этилмоқда. Вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов етакчилигидаги комиссия раҳбарлари Алмас Салимов, Мағауия Турисбеков ва Султан Кўшенов ишлаб чиқариш ўринларини оралади.



Парк 30 гектар ерда жойлашган, у ерда 42та бино қуриш режаланган. Уч босқичда амалга оширилган Саноат паркиннинг қиймати – 13 млрд. тенге.

Нурали Алмаханули етакчилигидаги депутатлар у ердаги қатор корхоналар вакиллари билан учрашди. Масалан, улар "BNK Group" МЧБ ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш ускуналарини ишлаб чиқарадиган корхонада бўлишди. "Aqnet Holding" МЧБ мактабга мўлжалланган жиҳозлар ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқаради. Украинанинг "UBC Group" компанияси саноат музлатгичларини ишлаб чиқаради. Бу ерда, шунингдек, тиббиёт буюмлари, эшиклар ишлаб чиқарадиган корхоналар иш бошлаш арафасида.

Вилоят маслаҳати депутатлари корхоналарни кўздан кечириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйганларни қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

МИРИШКОРГА СУВ КЕРАК



Қозоғистон Республикаси Сув захиралари ва ирригация вазири ўринбосари Ербўлат Ибрайханов Тулкибош туманига хизмат сафари давомида "Қазсушар"нинг Туркистон вилоят филиали раҳбари Қазибек Бедебаев ва туман ҳокими Нуржан Изтилеуов билан бирга қурилиши юритилаётган сув иншоотларини оралаб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Сўнги йилларда туманда муаммога айланаётган экин суви масаласини тубдан ҳал қилиш мақсадида соҳага масъул вазир ўринбосари мутасадди идора раҳбари ва пудратчи компанияга аҳолини экин суви билан сифатли

таъминлаш ишларини муддатида яқунлашни топширди. У қурилиш давомида каналларга сув бериши, маҳаллий аҳолининг талаб-истаклари ўрганилиши зарурлигини таъкидлади.

Аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида суғориш мавсуми – 20 майдан август ойининг охиригача қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилиб, каналларга сув юборилади. Шу даврда мутасаддилар ва пудратчи компания ходимлари каналларни механик тарзда тозалайди.

Таъмирланаётган каналлар тўлиқ ишга тушгач, 8600 гектар ер қайта айланмига қўшилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



БИОГАЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЗАВОД БАРПО ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ташаббуси билан минтақамизга сармоя жалб қилиш тадбирлари жадал юритилмоқда.

Сайрам туманида турк технологияси асосида сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш йўлга қўйилган. Турк сармоядорлари қизиқиш билдирган қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор лойиҳалар мавжуд. Жумладан, "Yugabai biogas&fertilizers factory" МЧБ компанияси туман хазинасига сармоя қўйиш ниятида. Шу мақсадда, биогаз ишлаб чиқарувчи компания вакиллари туман ҳокими Арман Сабитов билан учрашди.

Мулоқот давомида 15 гектар ерда мол қолдиқларидан биогаз

ишлаб чиқарадиган завод қуриш масаласи муҳокама қилинди. Сармоядорлар 2024-2025 йилларда қуриладиган биогаз заводи лойиҳаси билан танишдилар.

– Лойиҳани амалга ошириш учун, аввало, режа ва қурилиш муддатини белгилаш жоиз. Сизлар таклиф қилган лойиҳалар ҳоқимлик томонидан қўллаб-қувватланади. Туманда ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш – асосий мақсадларимиздан бири, – деди Арман Сабитов.

Мазкур компания 2019 йилдан буюн Қозоғистонда фаолият юритмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ЖАМШИДБЕК ТЎЛАМЕТОВ – ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТИ

Туркистон вилоят маслаҳатининг депутати Ж. Тўламетов Сайрам туманида истикомат қилади. "AQ JOL" партиясининг аъзоси.

У 1982 йил 1 апрелда таваллуд топган. Т. Рискулов номидаги Қозоқ иқтисодиёт университетини тамомлаб, "Молия ва насия" ихтисослигини эгаллаган. Меҳнат фаолияти давомида ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида "Туламетов" ХТ, "ТАС-САТ", "Нием-Н", "Тассай қиыршық тас зауыты", "SAYRAM TAS", "ST-BETON", "ST-жол қўрылыс", "ASIA NAN", "TAS CITI", "SAYRAM TRANS LOGISTICS" каби корхоналарда раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

Айни пайтда "SAYRAM TAS" МЧБнинг молиявий директори.



«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг ишлаб чиқариш корхоналарини очиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, шу орқали маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаб, фаровонлигини ошириш борасидаги топширигига мувофиқ Тулкибош туманида амалий иш юритилмоқда.

Шу жумладан, Мичурин қишлоғидаги "Тулкибош мевалари" ширкати жорий йил туман ҳоқимлигининг бевосита ёрдами билан 1 млрд. 100 млн. тенгега мевани қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширмоқда. Кун кеча мазкур корхонага туман ҳокими Нуржан Изтилеуов масъул мутахассислар билан ташриф буюриб, иншоот қурилишини кўздан кечириб, тадбиркор Бейбит Тўлешов билан сўхбатлашди. Давлат томонидан ёрдам зарур бўлса, қонун доирасида қўллов кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилиб, тадбиркорга муваффақият тилади.

Худуди 2200 квадрат метрдан иборат тадбиркорлик иншоотининг ишга туширилиши



учун режаланган 1 млрд. 100 млн. тенге маблағнинг 122 млн. тенгеси тадбиркорнинг шахсий маблағи, 350 млн. тенге давлат гранти ҳисобидан, қолгани имтиёзли насия орқали молиялаштирилмоқда.

Тадбиркор хомашёни ҳам ўзи ишлаб чиқаради. Яъни, ўзининг 360 гектар олма боғидан чиққан маҳсулотнинг сақлашга яроқсиз ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Айни дамда асосий иншоотнинг

қурилиши тўлиқ поёнига етган. Келгусида том ёпиш ва пардозлаш ишлари амалга оширилади. Бу ишлар тугагач, Хитойдан зарур ускуналар келтирилиб, уни ўрнатиш ишлари амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ўрни ишга туширилгач, 35 киши доимий иш билан таъминланиши кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Тўлебий туманида сердаромад фабрика барпо этилмоқда.

Корхона биноси қад ростлаган, ички пардозлаш ишлари юритилмоқда. Унинг инфратузилмасига доир масалаларни тадбиркорлик ва саноат бошқармаси назоратга олиб, маҳаллий бюджетдан зарур маблағ ажратган. Энди электр, телефон тизимлари ва сув қувурлари тортилади.

Хусусий сармоя ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳа KAZPLAST МЧБга тааллуқли. Сармоя қиймати – 1,5 млрд. тенге. Йилига 150 минг дона маҳсул кийим тикадиган фаб-

ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ ҚУРИЛМОҚДА

рикада 150 иш ўрни очилади. Бу йил ишга тушириладиган корхона маҳсулотлари мамлакат ички бозорини таъминлайди.

Дарвоқе, вилоятда ип ва газлама ишлаб чиқарувчи корхоналар йўқ. Шу боис ҳозирги кунда аграр соҳада салоҳиятли бўлган минтақа ушбу тармоқда фақат хомашё етиштирибгина қўймас-

дан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам фаол йўлга қўймоқчи. Соҳага хориз сармоядорлари ва замонавий технологияларни жалб этиш орқали ип йиғириш, газлама тўқиш ишида илғор хориз тажрибасидан фойдаланилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



»» Газетхон илтимосига биноан

ШАҲАР ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ РАИСИ ҲУЗУРИДА



Муштарийларимиз саволлари асосида Туркистон шаҳар жамоатчилиги кенгаши раиси Мақсуд Атанбаев қабулида бўлиб, унинг эътиборига қуйидаги масалаларни ҳавола қилдик.

Биринчи масала – Туркистон индустриал худудида темирйўл тармоғи ханузгача ишга туширилмаган, тадбиркорлар маҳсулотни жўнатиш ва қабуллаш жараёнида бошқа темирйўл тармоқларидан пул тўлаб фойдаланишга мажбур бўлишмоқда.

Иккинчи масала – Ҳамза ном-

ли мактаб ота-оналар ва ўқитувчилар жамоаси таклифи қуйидагича. Ҳамза номли мактаб ўқув биноси С. Қўжанов ва Т. Бокин кўчалари чорраҳасида жойлашган. Йўл ҳаракати белгилари талаблари бузилаётгани туфайли йўл полицияси ходимлари фарзандларини машинада мактабга олиб келаётган ота-оналарни жарима тўлашга мажбур қилмоқда. Масаланинг ижобий ечими даркор.

Учинчи масала – Н. Тўреқулов номли мактаб жамоаси, ота-оналар қўмитаси эски, тўзиғи етган

ўқув биноси ўрнида янгисини қуриш таклифини илгари суришмоқда. Мактабдаги синфхоналар ўқувчилар сонига нисбатан жуда кам.

Шаҳар жамоатчилиги кенгаши раиси М. Атанбаев (тасвирда) барча масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида атрофлича таҳлил юритилиб, сўнгра хулоса чиқарилишини маълум қилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

»» Акс-садо

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРДАН ҚУТУЛМОҚ ДАРКОР

Атиров шаҳрида ўтган Миллий Қурултойдан сўнг матбуотда «Адолатпарвар одам қандай бўлиши керак?», мавзусида турли ахборотлар пайдо бўла бошлади. Мен ҳам уйланиб қолдим. «Ҳозиргача миллатни бирлаштирган учрашув» мавзусида ўз фикримни қисқача баён қилиб, суҳбатнинг навбатдаги қисмини кейинга қолдирсак. Гап шундаки, кўтарилаётган муаммонинг фалсафаси ўта кучли, уни шунчаки ёзиб бўлмайди.



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев адолатли инсон ҳақида фақат Атировда айтгани йўқ. У Атировда ҳалол меҳнат ва ҳалол даромадга адолатпарвар инсон бўлишга олиб келиши ва шу билан адолатли Қозоғистонни барпо этиш нуктаи назарини аниқлаб берди, холос. Туркистондаги қурултойда эса жамоатчилик онгини ўзгартириш ташаббусини илгари сурди. Ота-боболаримиз ниятга кўп нарса боғлиқ эканлиги ҳақида азалдан айтиб келишган. Шунинг учун ҳозирги вақтда адолатли Қозоғистонни бунёд этиш фақатгина сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизда миллатнинг янги сифатини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Аввало, тафаккуримизни ўзгартириш муҳимдир.

Миллий қурултойнинг қайси учрашувда бўлмасин, асосий мавзу замонавий тараққиёт ва маънавий ўсиш йўлларига бағишланмоқда.

Инсон ва жамият муаммосига келсак, машҳур файласуф Ал-Форобийнинг ижод маҳсулларида унинг ечимини топиш мумкин. Абайнинг «Мукамал инсон» ҳақидаги таълимоти ҳам Ал-Форобийнинг меҳнатларини тасдиқлайди. Умуман олганда, ушбу асарда Абай антик даврнинг буюк файласуфлари Суқрот, Афлотун ва Аристотелнинг асарларидан кенг фойдаланган.

Ўтрорлик уламо Ал-Форобий инсон ва жамиятни ажратмайди, билгас, инсон бахтга эришиши учун жамият билан ҳамоҳанг бирлашиши керак, улар бир-бирига муҳтож, «бахт – бу эзулик»дан иборат деган фалсафага таянади. Уламанинг бу фикрлари, қандай тузумда бўлишидан қатъиназар, ҳаётийлигини йўқотмади. Кимдир бахтни мол-мулкда, бойликда, кимдир ҳокимиятда, кимдир илмда топди. Буюк файласуф олим эса уни инсонларга муруватли ва хайрихоҳ бўлишда деб билди. Жамиятда бир-бирига ёрдам бериб, ягона хайрли гою остида бирлашишнинг нечоғли тўғри эканлигини исботлайди.

Давлат раҳбари ҳам фақат миллат сифатини яхшилаш орқали адолатли Қозоғистонни барпо этишга эришиш мумкинлигини қайта-қайта таъкидламоқда.

Давлат раҳбари халқни бежиз Ал-Форобий таълимотини ўрганишга чақирмади. Замонавий жамиятда кашфиётлар қилиш, мамлакатга фойда келтириш учун бизга ижодий фикрловчи фуқаролар керак.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Абай фалсафасини ўрганиш орқали миллат онгини ўзгартириш гоёсини илгари сурмоқда. Ҳалоллик, ахлоқ ва фазилатлар каби буюк тушунчаларни ўзимизда шакллантирмас эканмиз, миллий ўзлигимизни мустаҳкамлаб олмаймиз, деб ҳисобламоқда. Бу унчалик қийин эмас, ҳар бириimiz ўз соҳамизда виждонан ишласак, албатта, адолат устувор бўлади. Агар биз меҳр, раҳм-шафқат кўрсатсак ва қонун устуворлигини тан олсак, бу адолатли Қозоғистонни яратиб қўшган ҳиссамиз бўлади. Қозоғистоннинг кўплай минтақаларини бу йил сув босди ва бу катта шов-шувга сабаб бўлди. Шу кунларда ёрдам қўлини чўзган кўплай фуқаролар бор, лекин бу билан барча масалалар ҳал қилинмади, аммо шунга қарамай, ниятимиз – бировга ҳолис яхшилик қилиш. Негаки, қонимизда хайр-эҳсон, раҳм-шафқат деган тушунчалар мужассам, улар шундай қийин лойда ўзини намойён қилди.

Адолатпарвар инсон бўлиш учун ҳалол меҳнат ва ҳалол даромад муҳим албатта, лекин юқоридаги иллатлар билан ҳам аёвсиз курашмасдан, адолатга эришиб бўлмайди.

Қалийма ЖАНТҮРЕЕВА, “АМАНАТ” партияси вилоят филиалининг ижроия котиби ўринбосари, вилоят маслаҳати депутати.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!



Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғи ҳокими, 20 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси ҳомийси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Тоҳир Абдаевнинг хузурига фаоллар – ҳурматли отахонлар билан ҳамкорликда ташриф буюрдик. “Жанубий Қозоғистон” адади ортишига 55 нусха билан ҳисса қўшаётган қишлоқ ўзбек эт-

МУШТАРИЙ БИЛАН МУЛОҚОТ

номаданият бирлашмаси раиси Ўсар Ньматуллаев, 15 нусха газетани ҳафта сайин оила аъзолари, қариндош-уруғларига улашаётган вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъати аъзоси, шоир Бобожон Ёқубов, моҳир боғбон, нафақадаги муаллим, 20 нусха газетга ҳомийлик қилиб ҳамда кўп йиллардан буён газеталарни муштарийларга ўз вақтида етказиб турган Олим Қосимовлар ҳам Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси унвонига сазовор бўлишган. ҚР Президентининг оқилона сиёсати, ёшлар тарбияси борасидаги муҳим масалалар ҳақида ҳам айтилди.

Қишлоқдаги кўхна билим даргоҳи – Ўт-



қир Қудратов раҳбарлик қилаётган Улугбек номли умумтаълим мактабига ташриф буюрдик. Директор биринчи ярим йиллик кўрсаткичи – 70 нусхалик обуна иккинчи ярим йилликда кутубхоначи Аяжон Исмоилова саъй-ҳаракатлари билан давом эттирилишини маълум қилди.

Ўсар Тошпўлатов раҳбарлик қилаётган “Дарын КЗ”, Дилноза Мўминова бошқарётган “Янги Иқон” ҳамда Муҳит Камолов раҳбарлигидаги илм масканлари жамоалари ҳам обуна жараёнини давом эттирадиган бўлиши. Барча жамоалар фаолиятига доир газета саҳифаларида мақолалар чоп этилган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: “Янги Иқон” қишлоғи ҳокими Тоҳир Абдаев; қишлоқ ҳокими хузурида фаол отахонлар билан; Улугбек номли мактаб директори Ў. Қудратов.

Муаллиф суратга олган.

»» Заковатли миллат

ЁШ РУҲШУНОСЛАР КЛУБИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ



Туркистон шаҳрида “Ёш руҳшунослар клуби” фаолиятини бошлади. А. Навоий, Ҳамза, Отатурк, Ш. Ниёзов, С. Раҳимов, Э. Иззатуллаев номли ва “Бирлик”, “Арман” мактабларидан жами 37 нафар руҳшунос муаллимлар ва фаол ўқувчилар клуб аъзолари сифатида иштирок этдилар.

Мақсад – ёш мутахассисларнинг малакасини ошириб, ўқувчилар орасида рўй бераётган нохуш ҳолатларнинг олдини олишга кўмаклашиш. Клубга руҳшунос ўқитувчилар билан бирга ўқувчилар аъзо бўла олади. Зарур дарслик ва қўлланмалар шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳомийлигида бепул тақдим этилади.

Тадбирда 2 нафар энг яхши маъруза қилган руҳшунос ва 5 нафар фаол ўқувчига мукофотлар берилиб, китоблар совға қилинади. Машғулотларда узлуксиз иштирок этган муал-

лимлар, ўқувчилар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхат учун махсус сертификат билан тақдирланади.

Клубнинг дастлабки машғулотида Отатурк ва Ш. Ниёзов номли ўрта мактаб руҳшунослари Захро Аҳмедова, Севара Юсуповалар “Вақтни бошқариш” китоби асосида маъруза тайёрлаб, мисоллар асосида дарс ўтишди. Ўқувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. ЎЗМБ томонидан клуб аъзоларига Жон Кехо, Пол Клейнмен ва Пол Экманнинг руҳшуносликка оид китоблари

тақдим этилди. Навбатдаги машғулотда ушбу рисоалар асосида баҳс-мунозара уюштирилди.

Клубда йил сайин 30 китобни мутолаа ва муҳокама қилиш, оила ва мактаб муаммоларини ҳал этишга тўғри ёндошиш мақсад этиб белгиланган. Ёш руҳшунослар клубига қўшни Кентов шаҳри ҳамда Саврон тумани ўрта мактабларидан ҳам хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Навбатдаги машғулот 20 май кuni Туркистон шаҳридаги А. Яссавий номидаги китобсеварлар клубида ўтади.

Райимжон ҚҮЧҚОРОВ,
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Тасвирда: ёш руҳшунослар клуби аъзолари.

ҚАҲРАМОН ОНАЛАРГА – КЎКРАК НИШОНЛАРИ

Туркистон вилоятида кўп болали оилалар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. 15 май – Халқаро оила кунини муносабати билан, Байдибек туманидаги кўп болали оналарга давлат нишонлари топширилди.

Туман ҳокими ўринбосари Бағдат Жанғазиев серфарзанд оналарни қабул қилиб, ҚР Президенти Фармони билан тақдирланган оналарга

“Алтын алқа” ва “Кўмис алқа” нишонларини тақдим этди. Тумандаги 12 нафар она “Алтын алқа”, 31 нафари “Кўмис алқа” нишони билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоиз, Байдибек туманида 550га яқин “Алтын алқа” ҳамда 1300дан зиёд “Кўмис алқа”га сазовор оналар истиқомат қилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ПЕШҚАДАМ МЕБЕЛСОЗЛАР



Саврон туманининг Қўс-мегил қишлоғидаги Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Иқбол Абишев асос солган “Ҳабибулла ота” мебель корхонаси маҳсулоти нафақат вилоятда, балки республикада машҳур.

Вилоят ҳокими ҳамда ҚР Президенти томонидан сифатли мебель маҳсулотлари учун тақдим этилган нуфузли мукофот ва ташаккурномалар фик-

римизнинг далилидир. Туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков билан корхонага ташриф буюриб, муштарийларимиз Сирожиддин Бектоев, Шуҳрат Иброҳимов, Шоҳруҳ Жуманов, Нурбек Абдусатторов, Абдувоҳид Жиянбоев, Жалил Жумадуллаев ва Бобир Абишевлар билан мулоқотда бўлдик.

Вилоятимиз равнақи йўлидаги самарали меҳнатлари

ҳамда тошқиндан азият чекканларга ёрдам кўрсатиш мақсадида “Юракдан – юракка” хайрия тадбиридаги фаол иштироки учун жамоага миннатдорчилик изҳор этдик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: “Ҳабибулла ота” корхонаси ходимлари.

Муаллиф тасвири.

»» «Жанубий Қозоғистон» – ҳар бир хонадонга

СЎЗОҚДАГИ ОБУНАЧИЛАРИМИЗ ОРАСИДА



Сўзоқ тумани ва қишлоғи ҳокимлигига ташрифимиздан сўнг муштарийлар билан мулоқот бошланди.

Қишлоқ ҳокимлиги ходими, тажрибали мутахассис, доимий обуначимиз Шокир Жуманазаров фахрий ҳордиққа чиқиш арафасида экан. Бизга омад тилаб, қўллаб-қувватлашга шайлигини айтди. Улкан ўқув даргоҳи – “Сўзоқ” гимназия-мактаби директори муовини, қатор китоблар муаллифи Роман Қодирқулвга “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига обуна бошлангани хусусидаги мактубини топширдик.

20 нафар муштарийларимиз фаолият юритаётган хўнар коллежи директори ўринбосари



ри Руслан Атажиев, болалар боғчаси услубиятчиси Жанар Тажибаева, Кўктўбе қишлоғидаги Нурлан Мусаев раҳбарлик қилаётган умумтаълим

мактаби, Қайнар қишлоғидаги Лаззат Бўстон қизи раҳбарлик қилаётган умумтаълим мактаби жамоаларига ҳам обуна бошлангани хусусидаги мактублар тақдим этилиб, режалар белгиланди.



Сўзоқ қишлоғи ҳокими ўринбосари Жўмарт Байқўбек сафаримиз давомида бизга ҳамроҳлик қилиб, ҳамқишлоқларини обунага чорлаганидан миннатдоримиз. Сўзоқ туманининг фахрий фуқароси, қишлоқ ҳокими лавозимида ишлаган, А. Навоий номли мактаб директори вазифасини бажарётганида ўқув даргоҳининг ҳозирги муҳташам биносини қурдирган, фахрий ҳордиқ гаштини сураётган Рисбой Болтабой сафаримиз чоғида бизга омад тилаб, дуои фотиҳасини берган. Унинг ўғли Нурмухаммад Рисбой ўғли ота-боболари аъёнларини давом эттириб, А. Навоий номли мактаб директори лавозимида самарали фаолият юритмоқда.

Мактаб ўқитувчилари ва кутубхона ходимларининг илтимосига биноан, ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Хошимжонов, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси

Баҳодир Ирисметов, Саврон тумани, Қорақич қишлоғидаги фаол муштарийларимиз Қодир Аҳмедов, Мирзахон Адхамовлар, шунингдек, “Улес” хайрия жамғармаси ва Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари раиси Райимжон Қўчқоровлар ҳомийлигида тўпланган ўзбек ва қозоқ тилидаги юздан зиёд бадиий-адабий китоблар мактаб кутубхонасига тақдим этилди.



Мактаб, коллеж, болалар боғчалари, ҳокимлик ходимлари келгуси ярим йилликка бевосита Сўзоқ тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Туркистон вилоятининг ибратли фуқаролари Муҳаммадjon Бобоев билан Султонбой Рўзиматовлар (А. Навоий номли мактаб директори ўринбосари) орқали “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига обунани расмийлаштиришлари мумкин. Давлатимиз ўзбек тили, маданияти ва аъён

аналари ҳурматига «Жанубий Қозоғистон» нашрининг тўлақонли чоп этилишини таъминлаётган бир пайтда, олдимиздан оқайтган сувнинг қадрига етиб, обунага муносиб ҳисса қўшайлик, азизлар!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: муштарийлар хузурида.

Муаллиф тасвирлари.

● Заковатли миллат

ЯНГИ ШАКЛДАГИ СЕМИНАР



Туркистон шаҳридаги Ш. Ниёзов номли мактабда “Миллий қадриятлар асосида таълим бериш” мавзусида шаҳар семинари ўтди. Шаҳар таълим бўлими услубиятчиси Р. Рахметова билан директорнинг касб танлаш бўйича муовини С. Абдурашидовларнинг нутқи билан бошланган тадбирда бошлангич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари тайёрлаган концерт дастури намойиш этилди.

Ўқитувчилар С. Абдусатторовва, Қ. Бобоева, Н. Тоғаеванинг очик дарслари, Ф. Мамметова, Н. Ғайбишева, Т. Нуриддинова, Д. Уразбайнинг турли мавзудаги очик дарслари кўпчилиқда ажойиб таассурот қолдирди. Шунингдек, Ш.

Аметова оилавий мусобақани ташкил этди. Дарс машғулоти юсак савияда ўтди. Хусусан, таълим бўлими раҳбарияти томонидан мактаб директори ўринбосари М. Ёкубованинг ташкилотчилик маҳорати туфайли ўқитувчиларни умуммақсад йўлига сафарбар этиб, семинарнинг муваффақият таъминлаганлиги таъкидланди.

**Г. ЭРМАТОВА,
Ш. Ниёзов номли
мактаб муаллимаси.**

Тасвирда: семинардан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.



Инглиз тили жаҳон тили. У орқали жаҳон маданияти ва илмини эгаллаш имконига эга бўламиз.

Саврон тумани таълим бўлимининг услубият кабинети режасига мувофиқ, Ал-Форобий номли умумтаълим мактабида инглиз тилидан илғор технологиялардан фойдаланишнинг самарали йўллари ҳамда илғор тажрибага эга мутахассисларнинг иш услубини тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг билим савиясини юксалтириш мақсад тутган “Жуфтлик иш юритиш борасида ўқувчиларнинг нутқи ва тинглаш қобилиятини ривожлантириш” мавзусидаги туман семинари юсак савияда ўтди.

Туман таълим бўлими услубиятчиси Фотима Тошматова ҳамда инглиз тили ўқитувчилари фаол иштирок этган

ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ТУМАН СЕМИНАРИ

тадбирнинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Ҳар бир машғулот тизимли режаланиб, семинар мавзусига мувофиқ замонавий усулларни самарали қўлланган ҳолда ўтди. Ўқитувчилар машғулотларда турфа технологиялар, ўқитишнинг илғор усулларидан самарали фойдаланишди. Мактабимиз инглиз тили муаллималари Илмира Муслимова, Венера Саидова, Гулзода Қосимова, Мухлиса Авазова, Умида Аҳмедова, Ажон Чоловалар очик дарслар ҳамда Бибижаҳон Сатторхонова, Шаҳзода Ирисметовалар маҳорат сабоғида ўз билимла-

рини намойиш этишди. Ўқувчилар инглиз тили фанига бўлган ихлос ва заковатини намойиш этдилар. Ташкил этилган концерт дастури меҳмонларда ёқимли таассурот қолдирди. Фаол иштирокчилар туман таълим бўлими раҳбариятининг “Ташаккурнома”лари билан тақдирланди.

**Гулзода ҚОСИМОВА,
Ал-Форобий номли
умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.**

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.

БУЮК ДАШТ ВОРИСЛАРИ



Инсон ўзини англаган даврдан бошлаб устозларга суянган, улардан маънавий қудрат олган.

Агар иқтидорли ўқитувчи ўз мактабини яратмаса, ўздан кейин билимдон, истеъдодли шогирдлар қолдирмаса, унинг ҳаёти бесамар ўтган бўлади. Бир донишманддан: “Оламда сени бахтли этадиган нарса нима?” деб сўраса, ўйланмасдан: “Болалар қувончи”, деб жавоб берган экан. Ҳа, қалби пок болаларнинг қувончига ҳеч нарса етмайди. Кентов шаҳри, Қарноқ қишлоғидаги 11-сонли “Ақин-тума” умум-

таълим мактабида фаолият юритаётган бошлангич синф Меҳрибон Маматирзаева ҳам шогирдларининг қувончига сабабчи бўлди. Меҳрибон, жонкуяр устоз шогирдлари билан Тараз шаҳрида “Буюк Дашт ворислари” мавзусидаги Республика беллашувида қатнашди. Қатнашувчиларнинг бarchаси совринли ўринларни қўлга киритди. Топшириқларни фаол ва аъло даражада бажарган шогирдлар совғалар билан тақдирланди.

Ўқитувчи билимдон, нотик, етакчи бўла олсагина, шогирди билимли, келажакда юрт яхлитлигини мустақамловчи фуқаро бўлади.

Устозлар маънавият осмонидан зиё таратаётган йўлчи қолдузидир, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топадилар, уларнинг шарофати билан жаҳолат зулматларидан ёруғликка етишадилар. Меҳрибон Маматирзаева ана шундай устоз мураббий эканлигини исботламоқда.

Хуллас, билимдон ва иқтидорли раҳбар Баҳром Мирзаев бошқараётган жаомамизга сихат-саломатлик, таълим-тарбия ишларига ривож тилаб қоламиз.

**Ойдинниса ВАФОЕВА,
Кентов шаҳри, 11-сонли
«Ақин-тума» умумтаълим
мактабининг ўзбек тили ва
адабиёти муаллимаси.**

Хушхабар

ФАОЛ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

Фаол обуначимиз, обунга даъват, тарғибот тadbирларини биз билан бирга ҳормайтолмай амалга ошираётган ҳимматли инсон, Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбековга туман ҳокими Мақсат Танғатаровнинг қарори билан “Саврон тумани тараққиёти йўлидаги хизматлари учун” нуфузли унвони ҳамда кўкрак нишони туман фаоллари ййгилишида тантанали равишда тақдим этилди.

Жамоат ташкилотлари раҳбарлари – фахрийлар ва оқсоқоллар кенгашлари раислари Сейилхан Ахметов билан Балтабай Жарилқасиновлар Қурбонбой Ирисбековни самимий муборакбод этишди. Тахририят ҳам фаол обуначимиз, жонқуяримиз Қ. Ирисбековни муносиб мукофот билан кутлайди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: туман ҳокими М. Танғатаров Қ. Ирисбековга мукофот топширмақда.



Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ЖўРАБОЙ ПОЛВОН БАРПО ЭТГАН СПОРТ МАКТАБИДА



спорт мактабига айлантирилди. Зарур маблағни Жўрабой полвоннинг фарзандлари, неваралари, ҳимматли ҳамюртлари уюштириб, хайрли ишга сафарбар этишди. ХҚТУда тахсил олган мураббий, Жўрабой полвоннинг невараси Нурмухаммад Эргашбой ўғли ҳамкасблари Ғайбулла Абдиев, Азамат Егизбаевлар билан истеъдодларни тарбиялаш-

қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказганини (барчаси фаол обуначиларимиз), ёшлигидан спортга иштиёқи баланд бўлиб, Ҳамза номли мактабда фаолият юритган Нуриддин Қўрғонов мураббийлик қилганини гапириб берди. Фидойи инсоннинг кўплаб хайрли ишлари, обундаги ташкилотчилик қобилияти инobatта оли-

Саврон туманидаги Бершинтўбе қишлоғидаги Дилмира Файзиёва раҳбарлик қилаётган У. Жанибеков номли мактаб жамоаси фаол обуначиларимиздан.

Директорнинг тарбиявий ишлар бўйича муовинлари Эргашбой Жўрабой ўғли ва Муҳаббат Аҳмедовалар ҳамроҳлигида мактаб музейи ва спортдаги ютуқлар ҳақида хикоя қилувчи стенд билан



танишдим. 2014 йили фойдаланишга топширилган ушбу илм маскани шаҳар ҳокими Алипбек Ўсербоев ҳамда маориф ва спорт фахрийси, таниқли полвон Жўрабой Бобошев иштирокида очилган. Бунга қадар ўқувчилар 1993 йили Жўрабой полвон ҳашар йўли билан бунёд этган мактабда таълим олишган. Уша даврда қишлоқ ёшлари олисга қатнаб, ўқиш машаққатидан кутулган, Жўрабой Бобошевга миннатдорчилик билдиришади.

Тарихни унутиб бўлмайди. Мактаб жамоаси янги бинаго кўчиб ўтгач, бир қаватли бино

моқда. Эришилган ютуқлар, мукофотлар ҳам бисёр. Чога қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Одил Меҳмонов ҳамқишлоғи Жўрабой Бобошев ёшлигида кураги ерга тегмаган машҳур полвон бўлганлигини, чор-атрофда унга бас келадигани бўлмаганини ифтихор билан гапириб берди. 1946 йили таваллуд топган обуначимиз Жўрабой полвон дастлаб педагогика билим юрти, сўнгра Тошкент давлат университетини татомлагани, умр йўлдоши Зулфия Абдужаббор қизи билан Нигора, Гулистон, Эргашбой, Ҳикоят, Ровза, Нурмат исмли

ибратли фуқароси" унвонига сазовор бўлган. Бершинтўбе қишлоғида спорт равнақига бирлашмаси раиси Одил Меҳмонов ҳамқишлоғи Жўрабой Бобошев ёшлигида кураги ерга тегмаган машҳур полвон бўлганлигини, чор-атрофда унга бас келадигани бўлмаганини ифтихор билан гапириб берди. 1946 йили таваллуд топган обуначимиз Жўрабой полвон дастлаб педагогика билим юрти, сўнгра Тошкент давлат университетини татомлагани, умр йўлдоши Зулфия Абдужаббор қизи билан Нигора, Гулистон, Эргашбой, Ҳикоят, Ровза, Нурмат исмли

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Жўрабой полвон; У. Жанибеков номли мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовинлари Эргашбой Жўрабой ўғли ва Муҳаббат Аҳмедовалар; мураббий Нурмухаммад Жўрабоев шогирдлари билан.

Муаллиф суратга олган.

Обуначиларимиз орасида

ЧОРАК АСР БЎЛИБДИ

Чога қишлоғидаги Тоҳир Басанов раҳбарлик қилаётган В. Воҳидов номли мактаб мен учун алоҳида аҳамиятга эга ўқув даргоҳи.

Зеро, ушбу илм масканининг собиқ раҳбарлари Зиёвиддин Мирзаев ҳамда Меҳринбос Иззатуллаевалар билан ҳамкорликда мактабга шу замин фарзанди, машҳур жарроҳ-олим Восит Воҳидов номини бериш учун вилоят ҳокимлигига, Тошкент, Алматы шаҳарларига, машҳур олимлар ҳузурига елиб-югуриб, ижобий натижага эришганмиз. Бу – шонли тарих. Бу воқеалар чорак аср муқаддам рўй берганди.

Мактабга қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси



раиси Одил Меҳмонов билан таширф буюриб, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунаси хусусида маслаҳатлашди. Раҳбарлар кутубхона мудираси Нодира Ҳабибуллаева билан бамаслаҳат ҳолда

обунани кўпайтиришга ваъда беришди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Т. Басанов ва О. Меҳмонов.

Муаллиф суратга олган.

Адолатли Қозоғистон

Саврон тумани, Ясси қишлоғидаги Холдор Ўсмонов раҳбарлик қилаётган Тўлебый номли мактабга туман ҳамда Уранғай қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмалари раҳбарлари Қурбонбой Ирисбеков, Муҳаммаддин Дўсоновлар билан дўстлик, маърифат ва маънавият, обун мавзусида кўп маротаба таширф буюрамиз.

Ўқув даргоҳининг ҳозир нафақадаги кутубхона мудирасининг мурожаатини ўша кездеги ҚР Парламент Мажлиси депутаты Ф. Қоратоев, таълим вазирилик касабаси уюшмаси маъмуриятига йўллаб, пировардида, вилоятимиздаги барча умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ойлик маошига беш йил бадалида йигирма фоиз кўшимча тўланиши хусусидаги Ҳукумат қарори чиқишига эришганимиз ҳам шонли тарих. Ҳозир мактаб кутубхонаси-

КУТУБХОНА – МАКТАБ ЮРАГИ



(тасвирда) мудира. Бу илм масканига қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ғанишер Неъматов ҳомийлигида “Жанубий Қозоғистон” газетаси етказилмоқда.

Келгуси ярим йилликка обунани шартнома асосида ташкил этиш тақлифини Юлдуз Ўрозметовага баён этдим. Тахририят билан бевосита шартнома асосида обун баҳоси анча арзон, етказилиши барқарор, давлат режаси урдаланишига барчамиз ҳамкорликда ҳисса қўшсак, нур устига нур, эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Муаллиф суратга олган.

ЁШ КУТУБХОНАЧИЛАР АНЖУМАНИ БОШЛАНДИ



Туркистон шаҳрида вилоят “Серпін” ёш кутубхоначилар анжумани бошланди. Унда шаҳар, туман ва қишлоқ кутубхоналаридан 25-35 ёш оралиғидаги кутубхоначилар иштирок этишади. Тадбир бир ҳафта давом этади.

Кутубхоначи мутахассислиги бўйича ишлаётган ёшларнинг малакасини ошириш мақсадида ўтаётган анжумани вилоят “Фараб” кутубхонасининг директори Жанат Шардарбекова очиб

берди. Тўлебый туманининг фаол кутубхоначиси Балкерим Гаухарқизи ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Ёш кутубхоначилар анжумани шу билан иккинчи марта ўтказилмоқда. “Фараб” кутубхонасининг мутахассислари маърузалар ўқиб, бадий кечалар ўтказиб туришади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Заковатли миллат

ЯНГИ МАКТАБГА ДИРЕКТОР ТАЙИНЛАНДИ



Саврон тумани, Қўсмезгил қишлоғида бунёд этилиб, ўтган йили фойдаланишга топши-

рилган 2-сонли умумтаълим мактабига раҳбар тайинланди. Майдантал қишлоғидаги “Қоражўн” умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлаган, тажрибали педагог Сержан Шоқаманов (тасвирда) эндиликда 374 ўқувчига таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар жамоасига раҳбарлик қилади.

С. Шоқаманов А. Яссавий номидаги ХҚТУда педагог-руҳшунос ҳамда Шимкент ижтимоий-инновация университетиде жисмоний тарбия ўқитувчиси

касбини эгаллаган. Меҳнат фаолияти давомида кўплаб иқтидорли спортчиларни тайёрлаган. Таниқли спорт усталари, хусусан, кураш бўйича жаҳон чемпиони А. Халиллаев билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Давлат маблағи эвазига қад ростлаган янги мактабнинг биринчи директори сифатида тарихда қоладиган Сержан Ўспунлига масъулиятли вазифада муваффақият тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Янги Қозоғистонда бирга барпо этамиз!

Ж. ТАШЕНОВ НОМЛИ МАКТАБДА



Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Қанат Қалиев (тасвирда) раҳбарлик қилаётган Жумабек Ташенов номли мактабга таширф буюрдик. Илм маскани директори обун масаласида аввалги ярим йиллик даражасида ташкилий кўмак кўрсатилишини маълум қилди. Ҳимматли устозлар, хусусан, мактабнинг ўзбек тили

ва адабиёти фани муаллимаси Нодира Юсупова обунани ташкил қилишдек масъулиятли жамоатчилик вазифасини амалга оширишдаги хизматлари эвазига “Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси” унвони билан тақдирланганлигини таъкидлаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ГУЛЗОРЛАРИ ЯШНАГАН ИЛМ МАСКАНИ

Гулназ Мурат қизи раҳбарлик қилаётган “Чўрноқ” умумтаълим мактабининг обунга масъул муаллимаси Насиба Алихонова билан мулоқотимиз директор ташаббуси билан ҳашар усулида экилиб, парвариш қилнаётган мактаб ҳовлисидаги анвой гуллардан иборат гулзорда ўтди.

Қорачиқ қишлоғидан келтирилган ажойиб гуллар барчага манзур бўлди, дейди директор ифтихор билан. Таъкидлаш жоиз, мактаб мажлислар залида туман, вилоят ҳокимларининг аҳоли билан учрашув-ҳисобот ййгилишлари узлуксиз ўт-

казилади. Демак, ободончилик, гулзорлари яшнаган маскан жамоаси учун ҳам масъулият, ҳам нуфуз белгисидир.

Сухбатдошимиз – туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбековга йил поёнида фахрий ҳордиққа чиқиши кутилаётган мактаб раҳбари Г. Мурат қизи ва фаол ташкилотчи Н. Алихоноваларни мукофотга тавсия этиш тақлифини билдирдим.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Г. Мурат қизи ва Н. Алихонова.

Муаллиф тасвири.



Муштарий илҳоми

ВАТАНИНГНИ СЕВ, ЎҒЛОН...

Саврон тумани, Қўшқўрғон қишлоғида қатор йиллар мобайнида 10 дона “Жанубий Қозоғистон” газетасини ҳамқишлоқларига мунтазам обун қилдираётган жонқуяримиз, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, шоир Почтахон Бобожоновнинг маънавият, ватанпарварлик мавзусидаги ижод маҳсуллари газета саҳифаларида мунтазам ёритилади. Қуйида унинг янги шеърларини газет-хонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ОНАЛАРГА МИНГ ТАЪЗИМ...

Қалби тоза, саришта,
Сабр-тоқат турмушда.
Оқ рўмолли фаришта,
Оналарга минг таъзим.
Демайди ҳеч ҳам ўзим,
Бор бўлсин ўғил-қизим.
Доим айтар бир сўзим,
Оналарга минг таъзим.
Ҳеч ўйламай соғлигин,
Берар бизга борлигин.
Билдирмай йўқ-зорлигин,
Оналарга минг таъзим.
Соғлом ўссин бола, деб,
Бўлсин олим, доно, деб.
Бекор айтмас она, деб,
Оналарга минг таъзим.
Ҳўш, болам деб яшар,
Тунни-кунга улашар.
Кўёш билан санашар,
Оналарга минг таъзим.
Бошимни эгиб мана,

Айтман тақдор яна.
Жаннатий инсон она,
Оналарга минг таъзим.
Оналардек меҳрибон,
Йўқдир оламда инсон.
Таъзим қилар Почтахон,
Оналарга минг таъзим.

ВАТАННИ СЕВ, ЎҒЛОН!

Аллоҳни севгин, ишон,
Қасам ич, қилмай гумон.
Қўлингга ушлаб Қуръон,
Ватанингни сев, ўғлон.
Душманингни қил талқон,
Ватаниннга бўл посбон.
Қўриқла уни ҳар он,
Ватанингни сев, ўғлон.
Ватаниннга ҳар қачон,
Тоza бўлсин қалб, виждон.
Бўлсин доим қадрдон,
Ватанингни сев, ўғлон.



Тўғилган эл, киндик-қон,
Тўқилган ер бу макон.
Сенга азиз жонажон,
Ватанингни сев, ўғлон.
Бу элдур Қозоғистон,
Мустақил, озод макон.
Сенга беран сув ва нон,
Ватанингни сев, ўғлон.
Тинчлик, озод бу Ватан,
Бахтга тўла хонадон.
Ўйнаб-кул, сургин даврон,
Ватанингни сев, ўғлон.
Тинчлик тилаб Аллоҳдан,
Дуо қилар Почтахон.
Бўлсин доим соғ-омон,
Ватанингни сев, ўғлон.

Почтахон БОБОЖОНОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Ибрат

ШУКРОНА ЕТОВИДАГИ ТУЙҒУЛАР

Вилоят болалар тиш касалхонаси энг гавжум ши-
фохоналардан. Бу жойда
етук ва малакали шифокор-
лар фаолият юритиши боис
аксар ота-оналар фарзанд-
ларининг тишларини даво-
латишга айнан шу ерга ке-
лишади. Одам гавжумлиги
туфайли навбатда туришга
тўғри келса-да, шифохона
мутахассисларига улар-
нинг ишончи ҳам, ҳурмати
ҳам юксак.



Биз ҳам ўша шифохонанинг
домий миқозлариданмиз. Вақ-
тимизнинг аксар қисми кутиш
билан ўттичини билиб, фар-
зандларга мунтазам қизиқарли
китоб олишларини ҳам эслатиб
қўяман. Ўсиб келаётган аф-
дулла хизматлардан фойдала-
нишга одатланиб қолмаслиги
учун ота-оналари тўлаётган
солиқлар эвазига давлат тақ-
дим этаётган бепул хизмат-
лардан фойдаланиш лозим-
лигини ўқирамиз. Навбатлар
масаласига келсак, улар – бўш
вақтини бола китоб мутолаасига
бағишлайди. Даставадан,
бола вақтнинг энг муҳим захира
эканлигини ҳис эта бошлайди,
қолаверса, саломатлик инсон
ўзи соҳиблик қилиши мумкин
бўлган бебаҳолигини англайди.
Шундай таширфларимиздан
бирида биздан олдинда анча-
гина бемор навбатда турганли-
гини куриб, сабр билан навбат
кута бошлади. Бу шифохонага
ҳатто милқларидан муаммолар
бор гўдакларни ҳам олиб
келишади. Тасаввур қилинг
– болаларнинг йиғи-сиғиси,
уларни овутиришга ҳаракат
қилаётган оналарнинг зардаси,
асабийлашуви. Соатлаб кутил-
ган муолажалар ўз самарасини
беради – суғуриб олинган, дод-
вой билан тиши даволангандан
сўнг болаларини шу ерга олиб
келган ота-онанинг шифокор-
дан норози кайфиятда чиқиб
кейтишини кузатиб ўтирасиз...
Худди шундай ҳолат навбатини
кутаётган болада ҳам такрор-
ланиши табиий. Оналар ҳам
рухан шундай ҳолатга ўзларини
ҳам, болаларини ҳам навбатга
тайёрлашади. Бир пайт аса-
бийлашган ота-онанинг ўзгача
важохатда, зардали оҳангдаги
галлари навбатдагиларнинг эъ-
тиборини жалб этди.
Воёга етган узун бўйли қиз-
нинг ташҳис учун навбат кутаё-
тиб, йиғлаётгани, йиғи аралаш
ҳолатини онасига тушунтириш-
га уринишлари эшитилиб ту-
рарди. Катта ёшдаги қизнинг бу
ҳолатидан ҳамма ажабланирди
ва шифокорнинг уни навбат-
сиз киришига ундашига қарши
ота-оналарнинг норозилибига
девордаги ёзувга эътибор қар-
ратди. Шундагина ота-оналар
“Ногиронлар бенабат қабул
қилинади” ёзувига эътибор бе-
ришди. Ўсмир қизнинг аҳволи

аён эди. Бироқ болалар бу
ҳолатни англашолмасди. Бир
болакай онасига қараб “Катта
бўлса ҳам ёш боладек йиғлар
экан, мен кичик бўлсамда йиғ-
ламаямпанку”, дегандек атро-
фига голибона назар ташлади.
Бу пайтда ногирон қиз она-
сининг ҳолатини тасаввур қила-
веринг – тинимсиз йиғлаётган
қизини овутирмай, ҳалак эди,
она. Шундоқ ҳам анча вақт на-
вбатда туриб, асабийлашаётган
ота-оналар бенабат шифокор
қабулига йўл олаётган қиздан
норозилигини яширишмасди,
уни ташҳис қўювчи шифокор
ҳузурига олиб кетишди. Нав-
батдагиларнинг норозилик кай-
фияти ҳам ҳам бўлиб тушди.
Ота-оналар руҳий ва жисмоний
имконияти чекланган бемор
ҳамда ўша қиз онасининг фар-
зандлари атрофида бўлиши, шу
билан бирга уларнинг руҳия-
тига ҳам бирон-бир таъсир ўт-
казишдан норозилигини яши-
ришмасди. Ваҳоланки, шифохо-
на тўрт мучаси соғ болага ҳам,
имконияти чекланганларга ҳам
бирдек хизмат кўрсатиши жоиз.
Бизга шифокор тайинлани-
ши билан ўша қизнинг оласи
ёнидан ўрин олди. Даволов-
чи шифокор ҳузурига кириш-
га шайланаётган қиздан сўнг
навбат бизники экан. Бу вақт
мобайнида қизнинг онаси бил-
ан танишиб олди. Қиз ҳамон
йиғлаб онасига нималарнидир
тушунтиришга ҳаракат қилар,
она ҳам бу ишнинг жоизли-
гини имкон қадар ўқитарди.
Асаблари анча толиққан она
билан суҳбатда қизнинг ёши
19да эканлиги, оилада тўнғич
фарзанд бўлиб, доим онаси
ҳамда сингилларининг кўмагига
муҳтожлиги, тиш шифокорига
келиш қизи учун энг катта азо-
блигини айтди. Нигоҳларидан
мурувват, сўзларидан меҳр ёғи-
лаётган, қизнинг кўз ёшларини
сингирган сочларини тартибга
келтиришга уринаётган, юзла-
рини артиб, юпатаётган аёл,
уни кузатаётган оналарнинг
норози нигоҳларига бир-бир
назар ташларкан, меҳр билан
“тўнғичим бўлса ҳам менинг энг
кенжа қизим, уни ҳеч қайси иж-
тимоий муассасага топширмай-
ман, сўнгги нафасим қолгунича

ўзим парваришлайман” деди...
Ниҳоят, она-бола шифокор ҳу-
зурига кириб кетишди. Айнан
ўша хонага бошқа қизалоқни
ҳам чақиришди. Қизи билан
бирга шифокор ҳузурига кир-
ган онага рухсат беришди. Бу
онани ўйлантираётган муаммо
жисмоний имконияти чекланган
фарзанди бор онанинг дар-
дидан ҳозир чондон зиёда эди,
десам ишонаверинг. “Кенжа
қизим, оиламизнинг эркаси,
қўнглига қараймиз, ҳозир шу
хонада руҳий бемор ҳам даво-
ланаётган экан, унинг йиғи-си-
ғисидан қизим бешбаттар кўр-
қиб кетадики, аттанг, уларнинг
қабулидан сўнг кирсак бўлар
экан”, дея менга юзланди...
Кимлардир йиллар мобай-
нида эга бўлган неъматларни,
аниқроғи, неъматлиги аллақач-
он унутилган имкониятларни
бошқалар йиллар мобайнида
куну тун дуоларида Роббисид-
дан кўз ёшларга фарқ ҳолда
ёлвориб сўрайди... Яратган
ҳар томонлама тўқис, соғлом
фарзандлар сийлаган оналар
қимнингидир битигидаги 19 йил
мобайнидаги руҳий қийноқлар,
азобларни бир дақиқа ҳам қис
қилгиси йўқ. Ҳис қилиш май-
лику-я, кўргиси ҳам йўқ. Бола-
ларини ҳам бу вазиятга гувоҳ
бўлишдан имкон қадар авайла-
шади.
Бизга эса бундай вазият
шунчаки тақдим этилмади.
Шундай оғир руҳий шароитда
яшаш баробарида, ҳар дақи-
қада фарзандга мурувватини
илиниб яшайдиган, шукр ва
бардошдан қувват олаётган
маъсумалар, ҳар қандай ва-
зиятдан шукроналик туйғуси
ила қисматидан рози ОНАЛАР
борлигини эслати, холос. Биз
эса хушмуомалалигимиз, руҳий
сезувчанлигимиз ҳамда уларга
тақдир этилган ҳолатларига
хайрихоҳлигимизни ҳам дариф
тутаямиз. Бу каби вазиятдан
ҳеч ким кафолатланмаганини
унутдикми ёки фақат ўз нафси-
мизнинг чегараларини белги-
лаш билан оворамизми?

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Буюк Даштнинг улғу алломалари

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Саъдулла СИЁЕВ

Ахмад Яссавий Роман



Шу йўл билан сўфий тўртинчи
мақомга етиб, фақр ёхуд мискин
унвонини олади. Сўфийлар ҳал-
қасида, «Фақирликда тирик бўл,
тирикликда фақир бўл!» деган
ҳикмат юради. Улар Муҳаммад
алайҳиссаломнинг «Ал-фақр –
фаҳри» (фақирлик фаҳримдир)
деган ҳадисини ўзлари учун
бўйинтумор деб биладилар ва
унга қаттиқ амал қиладилар.
Бешинчи мақом – сабр. Му-
рид туну кун Аллоҳдан сабр
тиламоғи, ўз иродасини қўлга
олиб, вужудини, қалбини, руҳи-
ни сабру сукут ила зийнатла-
ши лозим. Оғриққа сабр, озор-
га, хўрликка сабр, бало-қазога
сабр, сабр ва яна сабр... Сабру
бардош уни олтинчи мақомга –
таваккулга элтади. Энди зоҳид
ўзини буткул Аллоҳнинг ихтиё-
рига топширади, ёлғиз Парвар-
дигорининг марҳаматига, лутфу
карамига суянади. Аллоҳ таоло
ҳам ўз бандасининг ғамини ей-
ди. Ана шунинг учун ҳам сўфий-
лар лафзида, «Ал-сўфи ибнал
вақт», деган калима мўътабар
калимадир. Таваккули Аллоҳга
берилган сўфийлар омонат на-
фас – нафаси карбунни муқад-
дас биладилар, улар ўтар-кетар
бу дунёнинг ғам-андуҳларини
можароларини кўзга илмайди-
лар, бильякс, ёлғиз Аллоҳнинг
ишқини ёд этиб шу соат, шу да-
қиқа, шу лаҳза учун шукр қилиб
яшайдилар.
Ниҳоят, узоқ йиллик азият-
лардан кейин сўфий сўнгги бос-
қич – ризога қадам қўяди. Ризо
– тобелик, Аллоҳнинг ҳукмига
бўйин эгиш. Бу ҳолатни сўфий-
лар шундай шарҳлайдилар:
туғилмоқ бор, ўлмоқ бор. Демак,
ҳаёт билан ўлим орасидаги
фуркат бизга омонат берилган.
Омонатга хиёнат бўлмасин,
десанг, руҳингни покла, ўзингни
ёмон хислатлардан халос қил.
Ҳар бир кимса ўзини яхши хулқ-
лар билан зийнатласа, жамки
инсоният софланади, думладек
инсоф, адолат, имон қарор то-
пади ва жабр-зулм, ёвузлик,
залолат барҳам ейти.
Тасаввуф аҳқомига кўра, чин
солик «қол»ни – дунёвий илм-
ларни эгаллаб, «қол» илмига
ўтмоғи лозим.
Тариқатдан кейин ҳаққул яқин
– ҳақиқат босқичи келади. Ақом
ҳақиқат эшигини очмоқ ҳаммага
ҳам насиб қилавермайди, бу-
нинг учун инсонда буюк руҳий
қувватдан ташқари авлиёлик
нишонаси ҳам бўлиши керак
эди. Фанофилоқ деб аталмиш
энг олий мақомга ноил бўлган
зот – жисман ерда, қалбдан
самода, милоикалар оламида
яшайди гўё. Бундай мартабага
муяссар бўлганлар учун замон
билан маконнинг фарқи қолмас,
улар қўшлар, хайвонлар тилини
билар, атроф борлиқда рўй бе-
радиган ҳодисаларни олдиндан
башорат қилишга қодир эдилар.
Арабларда Жунайд Бағдодий
билан Боязид Бистомий, форс-
да Юсуф Ҳамадоний, турклар
элида Шайх Аҳмад Яссавий ана
шундай авлиёлардан эди.
Муҳтарам ўқувчим! Дарвиш-
лар ва умуман, пиру муридид,
зикру сано ҳақидаги ҳикоямизни
сўнгги фаслларга қолдириб, яна
хонақоҳга қайтайлик.
Шундай қилиб, хонақоҳда
зикрга тайёргарлик кўриларди.
Хонақоҳ ташқи, ички ҳовиллар-
дан иборат. Ташқи ҳовли мўъ-
жазгина, бу ерда хонақоҳ бош-
қарувчиси Исмоилхўжа оиласи
билан истиқомат қилар, сулуққа
бош уриб келган ёш солиқ-то-
либларнинг ош-сувиға қарай-
диган бақовуллар ҳам шу ерда
турардилар. Ички ҳовли кенг,
ҳар тарафи камида етти юз қа-
дамдан келарди. Киравиршда,
ўнг тарафда қиблага қаратиб
солинган масжид. Ҳовли ўртаси-
да саккиз қирралик улкан ҳовуз.
Этак томонда бир-бирига туташ
катта-кичик хужралар. Ҳали айт-
ганимиздек, толиблар ёзда хо-
нақоҳга оёқ босмас, битта-ярим-
та бемор дарвишнинг ҳисобга
олмаганда то кеч қузгача кен-
тар, овуллардан бери келмасди.
Не чораки, тўрт кундан буён
худонинг бу суюкли бандалари –
дарвишлар хонақоҳ ҳовлисида
тўрт ҳатлаб чиколмайди. Муш-
тоқ бўлиб зикри султониини ку-
тади. Шайх ул-машойх фатво
бериб, зикр бошланса-ю, руҳни
поклаб, тагин бепоеён кенглик-
лар, азамат тоғлар кўйнига,
сарин еллар ўйнайдиган боллар
ва шарқироқ соилар бўйига от-
ланишса! Ям-яшил сабзаларни
тўшақ, тошминни, ёғочини ё-
стиқ қилиб ўрганган хур фикрли
озод қушлар – дарвишлар учун
кенг ҳовли қафасдек торлик қи-
лаётган эди. Улар тўп-тўп бўлиб
баланд девор тагида куншу-

воқлаб ўтирар, сарҳовуз ёнида
ложувард сувга термилиб турар,
ёки чет-четда ёлғиз-танҳо ҳолда
зикрда айтиладиган шеърлар
– Яссавий ҳикматларини пичир-
лаб юришарди. Хуллас, хонақоҳ
ҳовлисида зоҳиран бир осойиш-
талиқ хукмрон эди. Бу сукунат
тўсатдан бузилди. Ҳовлига тўрт
қуролли йигит от чоптириб кел-
ди. Иккита йигит ташқарида
қолди. Учинчиси, бошига қора
либос ўраган, ёнбошига ханжар
таққан, белини чарм камар би-
лан боғлаб, оёғига узун кўнжли
этик кийган гавдали йигит отдан
ирғиб тушди. Живовини шериг-
ига тутқазди ва унинг олдига
ўнгарилган болани даст кўтариб
олди. Бола саккиз-тўққиз ёшлар-
да, қолга солинган эди. Навкар
йигит болани қопдан чиқариб
икки панжасига қўйди, худди ме-
ва тўла барқашни кўтаргандек
қўлларини олға чўзганча ҳовли-
га қараб юрди. Унинг важохати-
ни кўриб, гангиб юрган дарвиш-
лар ҳам йўл берди, баъзилари,
«Бу занжи қайга бораркин?»
дегандек, унга эргашди. Бола
кўтарган барзанги ҳовуз ёнига
келиб тўхтади.
Атрофида аланглаб турган
дарвишдан удағайлаб сўради:
– Ҳўв, инсон, Яссавий пиринг
қайда?
Дарвиш гарангисиб қолдимми,
индамади.
Қора либосли йигит бақирди:
– Ҳўв, карқулоқ, нимага миқ
этайсан? Яссавий пиринг қай-
да, деб сўраб турибмен сендин!
Дарвиш кўлини чўзиб турдаги
хужрага ишора қилди. Аскар
катта-катта қадам ташлаб тўр-
га қараб юрди. Бола бир-икки
типирчилади. Йигит парво қил-
мади, боланинг бетига қаттиқ
туғлаб қўйди-да, тўғри хужрага
етиб, ичкари кирди. Кўзи қорон-
ғиликка ўрганмаганлиқданми,
ичкаридагиларни ажратолмай,
бўсағада бир нафас тек туриб
қолди. Ниҳоят, давра куриб
ўтирган қарияларга кўзи тушди.
Улардан иккитасини танигандай
бўлди. Булар тўнов кўни капаси-
да чой ичиб кетган кишилар эди.
– Султоним қайсингиз бўла-
сиз? – деди йигит, ўтирганларга
бир-бир кўз югуртириб.
Шайх бўлажак зикр олди-
дан суҳбат куриб ўтирган эди.
Даврадошлари – Бобо Мочин,
Ашрафхон қози, Исмоил хўжа,
яна Исфижоб уламоларидан
ҳам бор эди. Бобо Мочин кофар
йигитни таниди, унинг бетакал-
луфлигидан ғашни келди. Агар
ёнида Шайх бўлмаганида ирғиб
туриб, кофарнинг бетига ша-
палоқ тортиб юборарди. У оғир
чайқалдию, газаби тилига кўчди:
– Ҳўв, кофар! Сени ҳам инсон
боласи тувғонми ё хайвондин
бўлгонмисан?! Ижозат сўрамай
эшикдан кириб келдинг. Салом
берсанг, тилинг кесулгайму,
ноинсоф?! Бир уриб бетингни
бузайми ҳозир?!
Ашрафхон қози кофарни эши-
тиб, ёқасини чангаллади, «нав-
замбилло» деб қўйди.
Қорлуқ йигит аввалги шашти-
дан тушди. Калласини хиёл эгиб
таъзим қилди.
– Оламини ёритқувчи офтоб
сизларни ёрлақасун, тақсилар,
– деди «Ассалом» ўрнига.
– Ана энди дардингни айт,
Шайхимда не юмушинг бор эди?
– деб сўради Бобо Мочин.
– Мана буни топширмоқчий-
дим...
Қўл-оёғи боғлиқ бола тиз-
пичулади. Бошини у ён-бу ён
чулғаб гудранди. Ашрафхон
қози гўё фаҳрланган бўлиб ним-
таъзим қилди ва Шайх томон
бурилди:

– Ҳазрати Султон жаноблари
бу киши бўладилар.
Қорлуқ йигит ишонмагандек
шайхга қараб қўйди. Жусса-
си кичкина, қотма, буғдойранг.
Уст-боши ҳам фақирона. Тўнов
кўни биров унга «Мана бу кишим
Яссавий пирим бўладилар»
деса, бекорларнинг бештасини
айтибсан, аҳмоқ қилма, дерди.
Авлиёлар авлиёси ҳам шундоқ...
жайдари одамга ўшайдимми?
Қорлуқ йигит болани тап эт-
кизиб Шайхнинг олдига қўйди.
Шайх бу ким, деб сўрамади.
Қорлуқ энди гапга оғиз жуфтла-
ган эди, Шайхнинг ўзи сўз очди:
– Рукниддиннинг фарзанди-
ми?
Қорлуқнинг ранги бўзарди.
«Қайдин билди, мендин бурун
отаси хабар қилганмикан?»
– Танидингизми, тақсир? – де-
ди кофар каловланиб ва Шайх-
нинг кўзига довдираб боқди.
– Бу болани илгари кўрма-
ганман, – деди Шайх – сиз буни
отасига қасдма-қасд гаровга
олиб келгансиз, тўғрими?
Қорлуқ энгашиб Шайхнинг
этагини ўпди.
– Авлиёларингизга энди инон-
дим. Ўзи тўнов кўни кўнглимга
келиб эди. Сув бошида-чи, қапа-
да. Анчайин мулло одам... бун-
дайн гапларни топиб айтолмас
деб ўйлаган эдим-а...
Кофар яна нимадир демоқчи
эди, Шайх унинг гапини кесди:
– Ечинг!
Йигит асир боланинг оғзидаги
латтани олиб ташлади, қўл-оё-
ғини ечди. Бола ирғиб турди-да,
кофарга ёпишди. Йигит ўзини
тортиб қолди. Барибир бола
унинг соқолидан бир чимдим
юлиб олишга улгурди.
– Ҳей, итдан тувғон, тек тур,
ўмас қайта қопга тикаман! –
деб сўқинди кофар.
Бола тагин даф қилди. Кофар
уни итариб юборди. Бола гупил-
ла Бобо Мочиннинг тиззасига
ўтириб қолди. Бобоқул уни те-
мир панжаси билан сиқиб ёнига
қўзқазди. Рукниддиннинг тўнғичи
ўтирган еридан пўласи қилди:
– Катта бўлай, энангни кўр-
сатаман, диндан чиққан кофар!
Сенга ўшаган имони йўқларни
аямай қириб ташлайман!
Қорлуқ йигит унга олайиб
қараб қўйди. Шайх болани олиб
кетинг, дегандек имо қилди.
Ҳовлидан бир ходим кирди,
болани етаклаб олиб чиқиб
кетди.
«Кофар Самад» бўйрага тиз
чўкди. У шошиб турган эди,
икки оғиз дардимни айтман-
кетаман, деган хаёлда там-
шанди. Бироқ Шайхнинг кўзига
қаради-ю, гапининг калавасини
йўқотди. Ичиди изоси келди.
Қизиқ, шу билан иккинчи марта
узини йўқотиши. Ҳўв ўша кўни,
сув бўйида ўтирганида ҳам шун-
дай бўлди. Шайхнинг кўзларидан
нимадир бор, одамга қараса,
тилингни учидан турган гапини
тилолмай, баданинг қизий
бошлайди.
– Бу гўдак сизга омонат, Шайх
бобо. Биз Рукниддинга яраш-
яраш қилайлик деб элчи юбор-
дик. Номард экан, элчимизнинг
қулоқ-мурини кесиб қайта-
рибди. Қорлуқнинг бешикдаги
боласигача қириб ташлайман,
дебди. Отнинг тезагини ёбсан,
дедик. Дунёнинг ярмини олгон
Санжар тағойинг не бўлди, хўв
Самарқандда шўппайиб ўтир-
гон Маҳмуд оғанг не бўлди, бир
ўйла, деб хат бердик.

(Давоми бор).



САНЪАТИМИЗ ЭЪЗОЗИ ЛАЗГИ!

Ҳаётсеварлик, муҳаббат ва қалб рақси бўлган Хоразм "Лазги" туркумига бағишланган халқаро фестивал билан боғлиқ таассуротлар ҳақида ёзмасам, олган маънавий ва маърифий қувват хусусида ўртоқлашмасам, назаримда афсонавий Хива шаҳри билан боғлиқ, умрга файз киритадиган гўзал хотиралар олдида инсонийлик қарзимдан қутулолмас керак.

"Хоразм лазги рақси": маданий дипломатияни ривожлантиришнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий тамойиллари 2 Халқаро илмий-амалий анжуман Хива шаҳрининг марказида жойлашган "Фаровон" меҳмонхонасининг катта анжуманлар залида бўлиб ўтди. Тадбирда ўттиздан ортиқ мамлакатдан келган олимлар,

кечиришди. Энг муҳими, юксак дид ва уюшқоқлик сезилиб турибди. Меҳмондўстликнинг қайноқ тафти уфуриб, қалбингизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Филология фанлари доктори (DSc), модератор Хулкар Ҳамроева анжуман ишини очиш учун дастлабки сўзни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, профессор Озодбек Назарбековга беради.

— Хоразм "Лазги" рақсининг Ўзбекистон маданий меросининг унсурини сифатида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий мероси Репрезентатив рўйхатида киритилиши бизнинг халқимиз учун ҳам шараф, ҳам катта масъулиятдир. Бу улугъ эътироф ўзбек халқи номини дунёга танитаётганлар сафида "Лазги" рақси алоҳида нуфузга ва эътирофга эга эканлигини билдиради. Шунинг баробарида санъаткорлар, санъатшунослар ва амалиётчи педагоглар зиммасига улкан масъулият юклайди. Ҳамма замонларда ҳам турли мил-

Лазгиси", "Хива Лазгиси", "Хоразм Лазгиси" каби бир-бирини такрорламайдиган рақс турлари миллий рақс санъатининг ниҳоятда серқирра эканлигини англатади. Унинг баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Биринчи фестивалга 30дан ортиқ давлатдан 200 нафарга яқин меҳмонлар қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сафи янада кенгайди. Хоразм "Лазги" рақси жаҳон миқёсида ўзбек маданий дипломатиясининг янги мулоқот майдонини яратмоқда, — деди Озодбек Назарбеков.

ТУРКСОЙ халқаро туркий маданият ташкилоти раиси Султонбек Раев халқаро илмий анжуманнинг юқори савияда ўтаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Санъатнинг умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни акс эттиришдаги даражасини баҳолаш ва илмий жиҳатдан асослаш масалаларига кенг эътибор берилаётганлиги туфайли замонавий билимларни ўзлаштиришнинг янги шакллари, замонавий дастурлари устида қизғин изланиш олиб



филология фанлари доктори (DSc), Хулкар Ҳамроеваларнинг "Хоразм "Лазги" рақсининг тарихи" номи монографияси Индонезияда инглиз ва индонез тилларида, "Лазги" — муҳаббат ва қалб рақси" китоби Мисрда инглиз ва араб тилларида, "Лазги" — Хоразм санъатининг дурдонаси", "Лазги" — муҳаббат ва қалб рақси" рисоалари Ҳиндистонда инглиз ва ҳинд тилларида катта адабда чоп этилди. Илмий изланишларнинг натижалари Туркия, Ҳиндистон, Миср, Таиланд, Индонезия, Қозғоғистон, Россия давлатларида ўтган халқаро илмий-амалий анжуманларда олимлар ҳукмига ҳавола қилинди. ТУРКСОЙ бош қотибининг тадбирда иштирок этиши ҳамда 2025 йилда "Лазги" фестивалини Туркияда ўтказишни таклиф қилиши кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Қозғоғистон Республикасидан келган вакиллар орасида Қозғоғистон миллий хореография академияси ректори Бибигул Нусипжанова, Қозғоғистон ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжоновнинг "Лазги" рақси узоқ йиллардан бери халқимиз эътирофига сазовор бўлганлиги, Шимкент шаҳрида ўтган "Лазги" рақсига бағишланган биринчи "Офарин" фестивали, Ўзбекистон халқ артисти, "Меҳнат шухрати" ордени, "Олтин мерос", "Маънавият фидойиси", Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали профессори, илмпарвар-шоғирдпарвар устоз Гавҳархоним Матёқубова, Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти,

университет Халқаро ҳамкорлик департаменти директори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Шахло Норалиева ўз маърузасида ушбу рақс санъати халқчилиги, жозибаси, гўзал ижро усули билан дунёни хайратга солиб келаётгани, Хоразм "Лазги" рақслари Марказий Осиё ёшлари орасида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларга ҳурмат ва миллий ифтихор туйғусини ҳис қилишни ўргатади, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялайди, дея Шимкент шаҳридаги Муқимий номидаги 13-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Баҳор" рақс тўғараги фаолиятида яқин ва гуруҳ ҳолда ижро этилаётган "Лазги" рақси турларига тўхталиб ўтди.

Анжуман доирасида ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган "Хоразм лазги рақси": тарихи ва тавсифи" (Г. Матёқубова, Ш. Тўхтасимов, Ҳ. Ҳамроева), "Профессор Гавҳар Матёқубова" (Ҳ. Ҳамроева) монографияларининг тақдироти ўтказилди. Ўзбек миллий рақс санъати ривожига қўшган беҳимнат узоқ йиллик хизматлари учун халқ хурмату эътиромига сазовор бўлган устозлар Гавҳар Матёқубова, Зиёда Мадрахимова, Карима Узоқова, Қодир Мўминовга ТУРКСОЙ кўкрак нишони топширилди.

Уч кун давом этган фестивал санъатга шайдо дилларни тўлқинлантирди, ҳаяжону хайратларга буркади. Гўзал

бадий чиқишлар якунига етиб, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ғолиблар турли номинациялар билан тақдирланди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Ҳаммининг меҳнати муносиб тақдирланди. Энг муҳими, Хоразм "Лазги"си дилларни, элларни яқинлаштирди. Миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлади, миллий қадриятларимиз улуғланди.

Озарбайжон давлат рақс дастаси, Грузиянинг "Эрисиони" давлат миллий ашула ва рақс гуруҳи, Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилоят бўлими ашула ва рақс ансамбли билан бир қаторда Қозғоғистон "Қазына" халқ дастаси барчада чиройли таассурот қолдирди.

Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилоят бўлими бош соврин билан, Қозғоғистоннинг "Қазына" гуруҳи ва Озарбайжоннинг миллий рақс ансамбли эса биринчи ўрин билан тақдирланди.

2019 йилда ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси деб тан олинган Хоразм "Лазги"си миллий маданиятимиз, санъатимизнинг бетакор, безавол санъат тури бўлиб асрлар оша сақланиб қолсин. Хоразм "Лазги"си тарихи, ҳаракатлари, турлари ҳақида илмий монография яратиб, асослаб берган устоз санъаткор Гавҳар Матёқубова ижоди бардавом бўлаверсин.

**Озодахон МУСАЕВА,
Жумабек Ташенов**
номидаги университетнинг ўқитувчиси.



давлат арбоблари, санъатшунослар, хореографлар, нуфузли меҳмонлар иштирок этди. Анжуманда асосий ташкилотчилар — Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори-ўқитувчилари томонидан яратилган "Лазги" рақси тарихи ва тадқиқотида оид китоблар курғазмаси ташкил қилинди. Журналистлар ва хорижлик меҳмонлар китобларни катта қизиқиш билан кўздан

латларни бир даврага жам қилувчи, уларни бирлаштирувчи асос ҳаётсеварлик, инсонпарварлик ва муҳаббат туйғуларидир. Хоразм "Лазги" туркуми қадим қалъалар маҳобатини, ота макон тарихини, муҳаббатнинг оруз-армонларини ўзида жо қилган тўққиз мустақил рақсдан иборат. "Масҳарабоз Лазгиси", "Қайроқ Лазгиси", "Дутор Лазгиси", "Сурнай Лазгиси", "Сарой Лазгиси", "Чангак

боряпмиз, — дейди Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, профессор Шухрат Тўхтасимов. — Ўзбекистон халқ артисти, "Меҳнат шухрати" ордени, "Олтин мерос", "Маънавият фидойиси", Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали профессори, илмпарвар-шоғирдпарвар устоз Гавҳархоним Матёқубова, Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти,

ФУҚАРОНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Давлат хизмати ишлари агентлигининг Туркистон вилояти бўйича департаментига хизмат олувчи фуқаро М.дан кўчмас мулк иншоотларининг манзилини аниқлаш учун маълумотнома олаётганда хизмат кўрсатувчи ходим томонидан асоссиз рад этилганлиги тўғрисида ариза келиб тушди.

Шу билан бирга, мавжуд Қоидага мувофиқ, муваққат мақсаддаги иншоотлар, қўшимча бинолар, гаражлар, аҳоли манзилларининг муҳандислик инфратузилмаси иншоотлари, оқова сувларнинг тозалаш иншоотлари, нефть-насос бинолари, мустақил реклама, антенна иншоотлар, кўчма расталар, чодирлар, автотобекатлар, боғлар, хивбонларда фуқаролар мустақил қурилиш юритмоқчи бўлсалар, унда рад жавоби берилади.

Юқоридаги ҳолатда эса, хизмат кўрсатувчи ходим давлат хизматини тақдим этишдан бош тортиб, амалдаги қонун талабларини бузгани аниқланди.

Ариза асосида текширув ўтказилди ва хизмат олувчига кўчмас мулк иншоотларининг манзилини аниқлаш учун тегишли маълумотнома берилди ва департамент аралашуви билан бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Серик ЎМИРЗАХОВ,
ҚР Давлат хизмати ишлари агентлиги Туркистон вилояти департаменти Давлат хизматлари кўрсатиш бошқармасининг бош мутахассиси.

ТЕГИШЛИ ҚАРОР ХИЗМАТ

ОЛУВЧИЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Давлат хизмати ишлари агентлигининг Туркистон вилояти департаментига Н. ва Э. исмли хизмат олувчиларнинг ер участкасини ижарага бериш муддатини узайтиришни асоссиз рад этиш юзасидан ариза келиб тушди.

Текширувда ҳокимлик Қоидада белгиланмаган ҳужжатларни талаб этиб, хизмат кўрсатишни асоссиз рад этгани ва хизмат кўрсатиш муддатини бузганлиги аниқланди.

Шу муносабат билан департамент ҳокимликка ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тегишли тавсия жўнатди.

Натижада департамент ёрдамида ушбу хизматларни олувчиларга тегишли маҳаллий ҳокимликнинг ер участкасини ижарага бериш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлари берилди.

Мирзабек САЙИТБЕК,
ҚР Давлат хизмати ишлари агентлиги Туркистон вилояти департаменти Давлат хизматларини кўрсатиш бошқармасининг бош мутахассиси.

Бу юклардан ўрганаёлик

• Йиқилмагин, йиқилгани суйадиган одам йўқ. **Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

• Бу дунёдан меҳру ва ло умид қилма, Одамлардан жафодан бошқасини кутма. **Алишер НАВОИЙ.**

• Инсонларга берилган энг яхши нарса — гўзал хулқ. **Имом Абу ҲАНИФА.**

• Биласизми, табиат, адабиёт ва санъатни севган инсон ҳеч қаримайди, ҳаммиша ёш кўрилади. **Санобар ТУРСУМЕТОВА.**

• Одамзотнинг бошига ҳар кун юзлаб балолар эшик қоқиб, келаркан, ўша балолар фақат оналарнинг дуоси билан орқага қайтиб кетаркан. **Лутфилла САЪДУЛЛАЕВ.**

• Гуноҳларимизни Худо кечирар, аммо асаб тизимларимиз ҳеч қачон кечирмайди. **Уильям ЖЕЙМС.**

• Бахт деганимиз, эр-талаб ишга қувониб бориш ва кечга уйга қувониб қайтиш. **Юрий НИКУЛИН.**

• Кимки ўз жаҳлу ғабани қайтарса, Аллоҳ таоло ундан ўз ғабани қайтаради. **Ҳадисдан.**

• Таъмагир билан асло яқин бўлма, шубҳасиз, у сенга душман. **Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

• Нодон дўст шундай кунларни бошингга соладики, бу юзта доно душманининг ҳам қўлидан келмайди. **"Қобуснома".**

• Бировнинг оқибат-сизлиги туфайли ташвиш тортгандан кўра, келинг, ундан кўлни ювиб, кўлтиққа урайлик. **Дейл КОРНЕГИ.**

• Агар ҳаракат қилмасангиз, қарийсиз. **Элсан Ла ПАНН.**

• Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди. **Анас ибн МОЛИК.**

• Худодан кўркмаган инсондан кўркмаман. **Омон МАТЖОН.**

• Кучли одамлар ҳаммиша оддийдирлар. **Лев ТОЛСТОЙ.**

• Санобар ТУРСУМЕТОВА, жамоатчи мухбир.

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА УСТАМА ҲАҚИ МИҚДОРНИ ҲИСОБЛАШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ (СОТУВЧИЛАРНИНГ) МАСЪУЛИЯТИ

Ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларига нималар кирди?

Унга биринчи навли бугдой уни, биринчи нав ундан пиширилган нон, рожки (қадоқланмагани), гречка, тозаланган гуруч, картошка, сабзи, пиёз, қанд (шакар), кунгабоқар мойи, мол гўшти, парранда гўшти, пастерланган сут (ёғлилиги 2,5 фоиз), қатиқ, сарийёғ, тухум, ош тузи, сузма.

Ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларининг устама ҳақи қанча бўлиши керак?

Қозғоғистон Республикаси "Савдо хизматини сошлаш тўғрисида"

Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи берадиган ёки улгурчи нархдан 15 фоиздан ошмаслиги зарур. Агар ундан ошириб юборилгани аниқланса, тадбиркор дастлаб огоҳлантирилади, бир йил ичида такрорланган ҳолатда кичик тадбиркорлик субъектларига 10 ОҲҚ, ўрта тадбиркорлик субъектларига 75 ОҲҚ, йirik тадбиркорлик субъектларига эса 300 ОҲҚ миқдориди жарима солинади.

Ҳурматли истеъмолчи! Сиз ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг барқарорлигига бевосита алоқадорсиз. Ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилишни ўрганинг!

Хотираобод! НЕЪМАТ ОТАНИНГ МЕЪМОР ЎҒЛИ...



1955 йили 28 февралда таваллуд топган, қишлоқдаги М. Аюезов номи мактабни битиргач, Самарқанд давлат архитектура институтида олий маълумот олган Абдуқаюм Неъмат ўғли ҳарбий хизматдан сўнг Кентов шаҳридаги

Умр — оқар сув. Бир неча йил муқаддам Ўрангай қишлоғидаги обуначиларимиз Султонбой Норметов, Муҳаммаддин Дўсоновлар таклифи билан пири бадавлат қаҳармон онахон Мукаррам Тўраш қизи таваллудига бағишланган авлодлар бирлиги ва ворисдошлиги тадбирида иштирок этиб, фарзандлари, хусусан, олий маълумотли меъмор Абдуқаюм Норметов (тасвирда) билан суҳбатлашиб, мулоҳазаларини ён дафтаримга қайд этгандим.

"Ачполиметалл" комбинатида қурилиш муҳандиси бўлиб, узоқ йиллар самарали фаолият юритди. 2019 йили фахрий ҳордиққа чиқди. Умр йўлдоши Матлуба Норметова билан Динара, Фаррух, Ойбек, Гулнара, Нилуфар исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, ширин-шаркар неваралар кўрган бахтли оила соҳиби эди. Шум ажал ажойиб инсонни орамиздан олиб кетди. Марҳумнинг охираати обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Туркистон вилояти – 6 ёшда

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНДУСТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БИЛИМ МАСКАНИ БУ ЙИЛ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИ ДАСТЛАБКИ 462 ТАЛАБА ТАМОМЛАЙДИ

2018 йилнинг поёнида, шаҳар ҳокими А. Ўсербоев, фахрийлар ва оқсоқоллар кенгашлари раислари Ж. Қулбайимбетов, Ж. Азиретбергенов, депутатлар ҳамда ҳокимлик вакиллари билан Яссавий мақбараси атрофидаги маҳаллаларда жойлашган уйлар дарвозасини қоқиб, хонадон соҳибларига ҚР Тўнғич Президенти Н. А. Назарбаевнинг 702-сонли Фармони асосида янгидан ташкил этилган Туркистон вилояти маркази – Туркистон шаҳридаги хусусий уйлар давлат тасарруфига олинишини тушунтириш, осон кечмаганди.

мабекули билан мулоқотимиз олий ўқув юртининг бугуни ва истиқболга бағишланди.
– Ҳурматли Алибек Жумабекули, Сизни Яссавий мақбараси қошида жойлашган университет раҳбари сифатида таълимнинг ташкил этилганига олти, университет очилганига беш йил тўлиши муносабати билан муборакбод элтамиз. ОТМ ҳақида атрофлича маълумот берсангиз.
– Университет – давлатимиз томонидан 2019 йилнинг мартида таъсис этилган, ҚРда туризм соҳасидаги ягона дорилфунун. 2021 йилдан ҚРдаги олий ўқув

11та таълим дастури асосида юртилади. Хусусан, “Туризм ва меҳмоннавозлик индустриясини ташкил қилиш”, “Халқаро ва ички туризм”, “Экскурсия хизматлари билан хусусий саёҳатларни ташкил қилиш”, “Меҳмонхона ва тўйхона тижорати”, “Туристтик дестинациялар менежменти”, “Жисмоний тарбия ва спорт”, “Жисмоний тарбия ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик”, “Спорт – соғломлаштириш фитнеси”, “Ташкилий туризмни бошқариш ва саёҳат-анимация хизмати”, “Ивент менежмент”, “Спорт туризми” факультетлари мавжуд. Университетимиз Туркия, Франция, Польша, Сло-



нинг 53 фоизини вилоятимиз, қолганлари эса мамлакатимиз минтақаларидан ва хориждан келганлар ташкил этади. Уларнинг 2338 нафари грант, 216 нафари пуллик билим олишади.

– Туркистон шаҳрига йилга 5 млн. сайёҳ-зиёратчи ташрифи давлат томонидан режаланган. Бу кўламдор вазифага сиз раҳбарлик қилаётган олийгоҳ ҳам бевосита амалий ҳисса қўшади...

– Худди шундай. Жаҳон миқёсида сайёҳлик соҳаси ривожланмоқда. Ривожланган давлатлар бюджетининг асосини туризм даромади ташкил этади. Туркистондаги жаҳонга машҳур тарихий зиёратгоҳлар билан бирга, Кентовнинг Ачисой тоғли худуди, иқлими, манзараси жаҳондаги машҳур хордик масканлари билан рақобатлаша олади. Фақат шароит яратиш керак. Олимларимиз шу йўналишда ҳам иш олиб боришмоқда.

– Устозлар ва талабаларга давлат томонидан кўйилган масъулиятли вазифаларни амалга оширишда зафарлар тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.



Ушбу тарихий жараён туфайли Туркистон шаҳри йилига 5 миллион сайёҳ, зиёратчиларни қабуллаш имконига эга жаҳон сайёҳлик марказига айлангани шонли тарих.

2019 йил март ойидаги қарорига кўра, Халқаро туризм ва меҳмондўстлик университети бунёд этилган. Жорий 2024 йили ушбу халқаро олийгоҳ илк битирувчиларини мустақил ҳаётга учирма қилади. ОТМ раҳбари, ректор Алибек Жу-

юртлари орасида биринчи бўлиб, жаҳон туризм ташкилотининг тасдиқланган аъзоси, Туркиянинг олий таълим кенгаши тан олган хорижий олий ўқув юртини рўйхатига киритилди. Россиянинг энг йирик Сибирь федерал университети Гастрономия, ҳамда Франциянинг «VATEL BUSINESS SCHOOL» мактаблари билан тигиз алоқадимиз. Ҳарбий кафедра мавжуд. Университетда машғулотлар 4 таълим йўналиши бўйича

вакия, Таиланд, Малайзия ўқув юртинини ҳам кўшиб ҳисоблаганда 31 хорижий ОУЮлари билан ҳамкорлик қилади.

Университетимизда дуал ўқиш тизими йўлга қўйилган. Яъни, талаба ўқиш давомида университет шартнома тузган иншоотларда тўловли хизмат кўрсатиш имконига эга. Айни пайтда университетимизда 2554 талаба билим олмақда. Йил сайин 800 ўқув гранти ажратилади. Талабаларимиз-

»» Театр

ДЎСТЛИК ГАСТРОЛИ ВОДИЙЛАРДА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Шимкент шаҳар ўзбек драма театрининг гастроль сафари Фарғона вилоят муסיқий-драма театридан бошланди. Ўзбекистон Республикасининг Фарғона вилоят муסיқий-драма театри директори Саиджон Мирзаев ҳамда шаҳар ўзбек драма театри директори вазифасини вақтинча бажарувчи Рустамхон Саидхўжаев ҳамкорлик меморандумини имзолашди.

Дўстона ҳамкорлик доирасида санъат соҳаси ходимлари билан тажриба алмашиб, ижодий учрашувлар ўтмоқда. Фарғоналиклар театр жамоасини самимий кутиб олди. Ўз навбатида Шимкент шаҳри театр жамоаси фарғоналик томошабинларига Ўзбабай Абдурахмановнинг “Ўжарлар” спектаклини намойиш этишти.

Таъкидлаш жоиз, театр жамоасининг дўстлик гастроллари Ўзбекистон Республикасининг Наманган, Қўқон ҳамда Марғилон шаҳарларида давом этмоқда.

М. УСМОНОВА.



БИЗ ҲАМ БЕНИҲОЯ МИННАТДОРМИЗ!

Қўшни Ўзбекистоннинг “BolaJon” ТВ каналида “BolaJon-shou” телелойиҳаси мавжуд бўлиб, мазкур кўрсатувда турли соҳаларда муваффақият қозонаётган иқтидорли ва қобилиятли болалар ўз ижодларини намойиш этишади.

Ушбу теледастур болажонларга билим бериш ва уларни ақлан ривожлантиришга қаратилган. Яқинда Шимкент шаҳридаги Муқимий номли 13-сонли мактабнинг “Баҳор” рақс дастаси Тошкент шаҳрига бориб, ушбу телелойиҳада қатнашиб, “Завқли ижро” номинациясини қўлга киритди. Зафар кучиб, қўшни давлатда танилган жажжи раққосаларнинг раҳбари Роҳила МАҲМУДОВА унутилмас сафар ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашди:

– Лойиҳада Андижон шаҳри ва Тошкент вилоятининг болалар рақс дасталари иштирок этишти. Беллашув ниҳоятда



қизиқарли бўлди. “Баҳор” дастамиз ижодидан ўрин олган “Доира” рақси ҳақамлар хайъати эътиборига ҳавола этилди. Ушбу танловда қатнашиш истаги, рост, дабдурустдан, пайдо бўлгани йўқ. Раҳматли устозимиз Раҳима Норалиеванинг орзуси эди. Маълумки, бизнинг кўп йиллик меҳнатимиз, яъни Раҳима опа ва каминанинг сайъ-ҳаракатлари билан очилган рақс гуруҳимиз айрим сабаблар билан тарқалиб кетган эди.

Н. МАВЛОНОВА.

Мақтаб директори ўзгариб, Луиза Собирова раҳбарликка келгач, даста қайта тикланди. Доимий хомийларимиз Шухрат ва Ғайрат Рўзиметовлар, Тўйчи Тошхўжаевларнинг моддий ёрдами билан рақс ансамбли янги либослар билан таъминланди, сафарларга чиқиш имконияти пайдо бўлди. Тошкентдаги теледастурга дастлаб хоразмча рақсининг видеосини юбордим. Раҳбарияти видеони кўриб, бу оддий тўгарак эмас, бирорта касбий хореография мактабининг тарбияланувчилари бўлса керак, деб ўйлашибди. Сўнг дарҳол бизни телелойиҳага таклиф қилишди.

4-5-синф ўқувчиларидан иборат гуруҳимиз, 14 қиз билан

“КИШИ ҚАҲРАМОН БЎЛИШИ УЧУН БИР ОН КИФОВ, ЛЕКИН КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШИ УЧУН БУТУН БИР УМР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ”.

Поль БРЮЛА,
француз ёзувчиси.

»» Табат

МИНГ ДАРДРГА ШИФО АНОР

• Даво топишни истаган киши давонинг аччиқлигига чидаши ҳам лозимдир.

• Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу дедилар: “Анорнинг доналари орасидаги юпка пўстлоғи билан бирга истеъмол қилинлар. Албатта, у ошқозонни мойловчи (муолажа қилувчи)дир”.



ТУТ МЕВАСИНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

• Тут меvasи иммун тизимни кучайтириб, организмнинг юқумли касалликларга қарши ҳимоя қилиб мустаҳкамлайди, терига барвақт ажин тушишидан сақлайди.

• Кўриш қобилиятини ошириб, кўз тўрлардасининг зарарланиши каби касалликлардан асрайди.

• Янги олинган тут шарбати тутнинг барча фойдали шифобахш хоссаларига эга бўлади. У нафас йўллари, тонзиллит ва ангинани даволашда фаол восита, сурункали йўтал, пневмония ва бронхитни даволашда ҳам ижобий натижа беради.



• Тут шираси қонни тозалаш, қонни кўпайтириш мақсадида ҳам кенг қўлланган.

• Тут меvasини қуритиб, ундан дамлама, компот тайёрлаб ичилса, дармонсизликни даволайди, озишга ёрдам беради, организмни тозалайди

• Тутни овқатланишдан аввал истеъмол қилиш лозим, шунда ошқозонга унинг зарари тегмайди.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулелбий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги уқум икратликлари, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ0022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR» нинг МЧБ Босмахонасида чоп этилади.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бюроғим:
1202.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11500 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

Бюроғим:
1202.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.